

## Ақийда дарслари (14-дарс). Қуръон ва суннат уламолари наздида тавҳиднинг қисмлари



14:40 / 31.12.2018 7466

Тавҳид уч қисмдан иборатдир:

1. Сифатлар тавҳиди.
2. Робблик тавҳиди.
3. Илоҳийлик (ибодатга сазоворлик) тавҳиди.

Сўнгра илоҳийлик тавҳидининг ўзи яна иккига бўлинади:

Исбот ва маърифатдаги тавҳид ҳамда талаб ва қасддаги тавҳид.

*Мутакаллимлар оммаси наздида тавҳиднинг турлари*

Тавҳид бу борада ҳам бир неча қисмга тақсимланган:

1. Мавжудликнинг вожиблигини фақат Аллоҳга боғлаш.
2. Холиқлик – яратувчиликни ёлғиз Аллоҳга боғлаш.
3. Маъбудият – ибодат қилиниш ҳаққини ёлғиз Аллоҳга боғлаш.

*Тафтазоний наздида тавҳиднинг таърифи*

Тавҳид ҳақиқати – улуҳиятда (ибодатга сазоворликда) ва унинг хусусиятларида Аллоҳга шерик йўқ, деб эътиқод қилишдир.

Аҳли Ислом наздида ҳеч бир хилофсиз, оламнинг тадбирини қилиш, жисм ва руҳларни яратиш, ибодатга ҳақдорлик ва қадимдан ўз-ўзидан қоим бўлиш (Ўзича мавжуд бўлиш) Аллоҳнинг хос хусусиятларидандир. («Шарҳул Мақосид», 2-64.)

Шубҳасиз, бу эътироф тавҳиднинг хос турига қилинган таъриф бўлиб, у – Улуҳият тавҳидидир. Бу таъриф Аллоҳ таолонинг сифатларидан тўрттаси У Зотнинг улуҳияти ва маъбудияти (ибодатга сазоворлиги) хусусиятларидан эканини таъкидламоқда.

1. Оламнинг тадбири.

Аллоҳ таоло осмонлару ердаги ҳамма ишнинг тадбирини қилади.

2. Жисмлар ва руҳларни халқ қилиш (яратиш).

Аллоҳ таоло ҳар бир нарсанинг холиқидир (яратувчисидир). У Зот ҳар бир нарсага вакилдир.

3. Ибодатга ҳақдорлик.

«Чунки Аллоҳнинг Ўзигина ҳақдир, Ундан бошқа топинаётганлари эса ботилдир. Албатта, Аллоҳ юксак ва буюқдир» (Ҳаж сураси, 62-оят).

«Бас, билгин: Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовар зот йўқ» (Муҳаммад сураси, 19-оят).

4. Аллоҳ таолонинг ўз-ўзидан мавжудлиги.

«Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқ. У Ҳайй ва Қойюмдир...» (Бақара сураси, 255-оят)

«У туғмаган ва туғилмаган» (Ихлос сураси, 3-оят)

«У аввал ва охирдир» (Ҳадид сураси, 3-оят).

Қуръони Каримда ушбу сифатлар билан далил келтириш хос хусусиятлар ва белгилар билан далил келтириш қабилдандир. Чунки Қуръони Каримда Робблик тавҳиди улуҳият тавҳидига ҳужжат қилингандир.

Мисол учун, «Осмонлару ерни яратган Зотга...»дан «Сен: «Агар ростгўй бўлсангиз, ҳужжатларингизни келтиринг!» деб айт»гача (Намл сураси, 60-64-оятлар).

Ушбу оятларнинг беш жойида Робблик тавҳиди улуҳият тавҳидига далил қилинган. Аллоҳ таоло ҳар бир оятнинг охирида: «Аллоҳ билан бирга илоҳ борми? Аллоҳ билан бирга илоҳ борми?» дея такрорлаган (Аъроф сураси, 59-оят).

Бас, асос – улуҳият тавҳидидир. Бошқа сифатларнинг тавҳиди эса Улуҳият тавҳидига далил сифатида келтирилган. Чунки келган ҳар бир Расул ва Набий: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг. Сиз учун Ундан ўзга илоҳ йўқдир», деган.

Сўнгра эса қолган сифатлар тавҳиди ила Улуҳият тавҳидига далил келтирилганлар.

*Имом валиюллоҳ Деҳлавий наздида тавҳид даражалари*

Билингики, тавҳиднинг даражаси тўртдир:

**Биринчиси:** Мавжудликнинг вожиблигини фақат Аллоҳ таолога боғлашдир. Бас, Ундан ўзганинг вужуди вожиб бўлмас. Бунга Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи далолат қилур:

«Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқ. У Ҳайй ва Қойюмдир» (Бақара сураси, 255-оят).

**Иккинчиси:** Аршни, осмонлару ерни ва бошқа барча мавжудотларни халқ қилишни (яратишни) фақат Аллоҳ таолога боғлашдир. Бунга Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи далолат қилади:

«Аллоҳ ҳар бир нарсанинг яратувчисидир ва У ҳар бир нарсага вакилдир» (Зумар сураси, 62-оят).

Ушбу икки даража ҳақида илоҳий китоблар ҳам, араб мушриклари ҳам баҳс юритмаган. Яҳудий ва насоролар ҳам бу икки сифатга хилоф қилишмаган. Балки Қуръон бу нарсалар улар наздида ҳам эътироф қилинган нарсалардан эканлигини очиқ айтган.

**Учинчиси:** Осмонлару ернинг ва уларнинг орасидаги нарсаларнинг тадбирини фақат Аллоҳ таолога боғлаш. Яъни оламнинг ҳаммасининг тадбирини фақат Аллоҳ таоло қилади, деб эътиқод қилиш. Бунга Аллоҳ таолонинг қўйидаги сўзи далолат қилади:

«Огоҳ бўлинг, яратиш ва амр қилиш унинг Ўзига хосдир» (Аъроф сураси, 54-оят). Яъни Аллоҳ таоло борлиқдаги ҳамма нарсани яратганидек, Унинг Ўзи уларга амр қилади, қайтаради ва ишларини тузиш жиҳатидан ҳам, шариатга киритиш жиҳатидан ҳам тадбирини қилади.

Яна Аллоҳ:

«У осмондан ергача барча ишнинг тадбирини қилур», дейди (Сажда сураси, 5-оят).

Борлиқнинг барча иши Аллоҳ таолонинг қўлидадир. У Зот оламдаги ҳеч бир нарсанинг тадбирини Ўз халқидан бирортасига топширмаган: анбиёларга ҳам, расулларга ҳам, авлиёларга ҳам, қутбларга, абдол ва ғавсларга ҳам, имомлару фаришта ва жинларга ҳам.

**Тўртинчиси:** Ундан ўзга ҳеч ким ибодатга сазовор эмас. Бунга қўйидаги оятлар далолат қилади:

«Бас, билгин: Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ» (Муҳаммад сураси, 19-оят).

«Ва илоҳингиз бир илоҳдир. Роҳман, Роҳим бўлмиш Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқдир» (Бақара сураси, 163-оят).

«Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқ. У Ҳайй ва Қойюмдир» (Бақара сураси, 255-оят).

Бунга ўхшаш оятлар кўп. Ушбу икки даража бир-бири билан табиий равишда боғлиқдир. Чунки оламнинг ҳаммасининг тадбирини фақат Аллоҳ таолога боғлаш У Зотнинг ибодатга ҳақдор эканига, бошқанинг ҳақдор эмаслигига далилдир. Уларнинг орасидаги алоқа далил ва ҳукм алоқасидир.

Мушрик фирқаларнинг ихтилофи ушбу икки даражада бўлгани учун ҳам Қуръони Карим ўша икки даражани исбот қилишга, ораларидаги табиий боғланишни алоҳида кўрсатишга катта аҳамият берган. Шунингдек, уларнинг шубҳаларига қониқарли раддиялар қилган. («Хужжатуллоҳул Болиға», 1-123).

***“Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар” китобидан***